# САЙЛОВЛАРНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ — КУЗАТУВЧИЛАР

***Ўзбекистонда ўтказилган парламент сайловлари мамлакатни янада демократлаштириш йўлида қўйилган навбатдаги муҳим босқич бўлди, айтиш мумкинки, мамлакатимизда янги руҳдаги парламентаризмнинг шаклланишига асос солди.***

***Бундай шароитда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги олдида турган долзарб вазифалардан бири республиканинг чет эллардаги фуқаролари ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, шунингдек, халқаро кузатувчиларни мамлакатимизга ташриф буюришларида ташкилий жиҳатдан кўмаклашишдан иборат эди.***

Шу мақсадда мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва бош консулликларида 40 та сайлов участкаси ташкил қилинди. 26 декабрь куни сайловларда етти ярим мингдан ортиқ ватандошимиз, яъни сайлов рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 64 фоиздан кўпроғи иштирок этди.

Сайловларда халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг кенг иштирок этиши сайлов жараёни ошкоралигининг энг муҳим омилларидан бири бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқаро шарҳловчиларнинг сайловлардаги иштирокига халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистондаги сиёсий ислоҳотлар ва давлатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш жараёнини қўллаб-қувватланаётгани сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда парламент сайловлари жараёнини 30 минг маҳаллий ва қуйидаги 35 мамлакатдан келган 227 хорижий эксперт кузатиб турди: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Голландия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Польша, Туркия, Франция, Германия, Швейцария, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Эрон, Қувайт, Индонезия, ХХР, Корея Республикаси, Малайзия, Таиланд, Япония, АҚШ, Озарбойжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон ва Украина.

Хорижий кузатувчилар орасида 48 та парламент депутатлари, 14 та миллий МСК аъзолари, 46 та жамоат ва давлат арбоблари, 30 та етакчи академик доира вакиллари ва 24 та ОАВ вакиллари бор эди. Уларнинг барчаси сидқидилдан ва самарали меҳнат қилишди. Уларнинг ёрдами, тажрибаси ва қимматли тавсиялари сайлов жараёнининг боришида катта туртки бўлди.

Ўзбекистондаги сайлов кампаниясида МДҲ ижроия қўмитаси, ЕХҲТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европарламент ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари халқаро кузатувчи сифатида иштирок этди. Таркиби 21 кишидан иборат бўлган ЕХҲТ миссиясига словак дипломати Л.Копай раҳбарлик қилди. МДҲ кузатувчилари делегациясини МДҲ ижроия котиби В.Рушайло бошқарди. Хорижий кузатувчилар Ўзбекистоннинг барча валоят ва туманларида бўлишиб, республиканинг деярли барча сайлов участкаларига ташриф буюришди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ташриф буюрган халқаро кузатувчилар 2004 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги меъёрларига мувофиқ тарзда ўтказилганини эътироф этишди ва ушбу сайловлар қонуний, эркин ва ошкора ўтганлигини тан олдилар.

Ўзбекистон учун ЕХҲТ чекланган миссияси вакилларининг фикри жуда муҳим бўлиб, ушбу миссия ўз баёнотида шундай таъкидлайди: "Аёл номзодларга 30 фоизлик квота ажратилганлиги ва сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаш учун янги молиявий кўрсатмалар 1999 йилда ўтказилган охирги парламент сайловларидан буён жорий этилган ўзгаришлардан ҳисобланади".

ЕХҲТ вакиллари "қонунчилик базаси, сайловлар ва сайлов кампанияси расмиятчилигини юритишлари ва оммавий ахборот воситалари ролига эътиборни жалб қилишлари" учун уларга тўлиқ имконият яратиб берилганини расман тасдиқлашди. Миссия марказий ва ҳудудий вакиллар, сиёсий партиялар номзодлари билан, шунингдек ташаббускор гуруҳлар, мансабдор шахслар, органлар, сайловларни уюштириш ва ўтказишга масъул бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан, ноҳукумат ташкилотлар ва халқаро ҳамжамиятнинг Тошкентдаги вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Кўпчилик хорижий кузатувчиларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон парламентининг қуйи палатасига депутатларни сайлаш ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтди. Сайловларга тайёргарлик давомида кўзга ташланган айрим нуқсонлар ва камчиликлар сайловолди тарғиботи ҳамда овоз бериш жараёнида сайловчиларнинг ўз ҳуқуқларини эркин ифодалаш ва овоз бериш натижаларига сезиларли таъсир ўтказмади.

**Исмоил ШАРАПОВ,**
**"Жаҳон" АА шарҳловчиси.**

# МАДАНИЯТ янгиликлари

## Ўзбек доирачиси — хориж профессори

***Республикамизда донг таратган "Аббос" гуруҳи асосчиси ва раҳбари Аббос Қосимов айни пайтда Тайвандаги Нан Хуа университетида талабаларга доира санъатидан сабоқ бермоқда. Ҳозирда устанинг 450 нафар тайванлик шогирдлари доира сирларини қунт билан эгалламоқдалар.***

Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аббос Қосимовга Нан Хуа университети профессори фахрий унвони берилди. Шу кунларда Тайваннинг катта-катта концерт саройларида ўзбек доирасининг ҳам овози янграмоқда.

## «Олтин овоз» соҳиби

***Венгрияда ўтган "Будапешт юлдузлари: ёшлик, истеъдод" халқаро фестивали якунланди.***

Дунёнинг 16 мамлакатидан келган вокалчи ва хор ижрочилари иштирок этган ушбу танловда ҳамюртларимиз ҳам қатнашдилар. Фестивалнинг "Олтин овоз" номинацияси бўйича ғолиблик навоийлик ёш истеъдод эгаси Суҳроб Кенжаевга насиб этди.

## «Гуноҳсиз гуноҳкор»

***Қўқон шаҳар халқ театри ижодкорлари драматург Анваржон Комилжоновнинг "Гуноҳсиз гуноҳкор ёки қасос" асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди.***

Адолатпарварлик, инсонийлик ғояларини тараннум этувчи ушбу асарни республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Мадамин Жўраев саҳнага олиб чиққан бўлса, қўшиқ ва қуйларни Зокиржон Мамажонов басталаган. З. Мирзаматов номидаги ушбу театрнинг янги спектакли вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида намойиш этилиши кўзда тутилган.

## Хайрия тадбири

***Чирчиқ шаҳридаги болалар ижодиёти марказида турли тўгараклар ишлаб турибди. Яқинда ушбу марказ ўқувчилари томонидан шаҳардаги 14-меҳрибонлик уйида катта хайрия тадбири уюштирилди.***



Ўқувчилар болалар учун нафақат концерт дастурлари намойиш этдилар, балки ўзлари ясаган юмшоқ ўйинчоқларни ҳам тортиқ этдилар.

## Олам фалсафаси

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида истеъдодли мусаввир Муҳаммаджон Фозиловнинг "Ўзгармас ва доимо ўзгарувчан олам" мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.***

Кўргазмадан рассомнинг 200 дан зиёд рангтасвир, графика асарлари ўрин олган. "Афросиёб", "Оламнинг яратилиши", "Чақалоқ" сингари асарларида мусаввир она ватанга муҳаббат, олам ва одам, табиатдаги мавжуд сир-синоатлар ва ҳаққонийликни акс эттиришга ҳаракат қилган. Мўйқалам соҳиби барча асарларида рассомчиликнинг қадимий анъаналаридан фойдаланган.

## Байрам Байрамга уланди

***Гулистондаги 27- меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.***

"Энг яхши шахматчи", "Энг омадли теннисчи" сингари бир қатор номинациялар бўйича ёш спортчилар ўзаро куч синашдилар. Мусобақа ғолибларига тадбир ташкилотчилари — "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти, болалар спортини ривожлантириш, шунингдек "Соғлом авлод учун" жамғармалари вилоят бўлимларининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Спорт байрами куй-қўшиқлар, янги йил байрами шодиёналарига уланиб кетди.

**"Халқ сўзи" мухбири**
**Мавжуда ХОЛМАТОВА тайёрлади.**

# МИЛЛИАРДЕР ХЎЖАЛИКНИНГ СИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен ҳам шулар қаторида бор эканман. Уйда болаларим ҳар куни сўрашади: ишқилиб, машина беришармикин? 2004 йил бошида хўжалигимизга Асакадаги заводдан ёғи артилмаган «Матиз» машиналари карвони келтирилганида одамларнинг қизиқиши янада ортди.

Ниҳоят, ўша кун келди. Туманимиздаги стадионда минг-минглаб одамлар олқиши остида янги машина калитини катта ҳоким қўлидан олганимда ҳаяжонга тушдим. Яхшиям, ёнимда акам Жўраниёз, укам Давлат бор экан. Биргаликда «Матиз»нинг эшигини очиб, рулга ўтирдим. Мен билан бирга ажойиб натижаларга эришган Абрўй Ўринов, Зулайҳо Қаюмова, Эркин Чориев, Холиқ Ҳайитов, Хуршид Аминов каби пудратчилар ҳам ярақлаган машиналарга ўтиришди. Олти ғолиб стадионни бир айланиб, уйларимиз томон йўл олдик. Уйга келсак, қавму қариндошлар, қўни-қўшнилар кутиб ўтиришган экан, «Муборак бўлсин», «Яхши кунларга ишлатинг» деган табриклар қуршовида қолдим. Шу лаҳзаларда кўнглимдан «Бу йил янаям яхши ишлайман» деган ният ўтди. Бўларкан-ку, одамлар ўз меҳнати қадрланишига ишонса, кундалик иш роҳатга айланади.

Шундай кайфиятда 2004 йил дала ишлари бошланиб кетди. Мукофотдан руҳланган қанча-ю, ҳосилдорлик ва даромад бобида кўзланган маррага озгина етмай қолиб, «Энди ишлашни мендан кўринглар» деб бел боғлаган қанча. Ҳар йилдагидан экинлар бир марта кўп сув ичди. Техникада ишлов беришда сифатга эътибор қаратилди. Деҳқонлар яна бир нарсадан хурсанд бўлишди: мамлакат қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар чуқурлаштирилгани туфайли ўғит тақсимотида адолат ўрнатилди. Авваллари эҳтиёжга яраша ўғит далагача етиб келмасди, 2004 йилда бу борада қатъий тартиб ўрнатилди.

Одамларнинг руҳланиб ишлаганини кўрган Зикриё Асроров:

— Бу йил хўжалик бўйича соф даромад миқдорини бир миллиард сўмдан оширамиз. Чин сўзим, шу ниятга эришсак, ғолибларга 10 та енгил машина, 40 та мотоцикл совға қиламиз, — деганида деҳқонларнинг юзлари ёришиб кетди. Ҳа, моддий манфаатдорлик омили оқилона йўлга қўйилса, адолат таъминланса, одамлар шижоат билан ишлайди.

Мана, ниҳоят, 2004 йил якунлари чўтга солинди. 1948 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40,6 центнердан хомашё олинди. Ялпи ҳосил 7918 тоннани ташкил қилди (Раис хўжаликка келган 1988 йилда 7.735 тонна пахта 3360 гектар ердан олинганди). Шартномада белгиланганидан ташқари 2055 тонна пахта топширилди. Ғалла хирмони 5,5 минг тонна (режага нисбатан 115,6 фоиз)га етди. Фойда миқдори 1 миллиард 101 миллион 287 минг сўмдан ошди. Кўзланган мўлжал ошиғи билан эгалланди. Рентабеллик даражаси пахтачиликда 68,3 фоиз бўлди.

— Бултур ҳар гектар ердан 40 центнердан ғалла етиштиргандим, — дейди бош пудратчи Қарши Тўрақулов. — 30 гектар буғдойзор ҳосилдорлигини 54 центнерга етказган Абрўй Ўринов «Матиз»ни минганида мен ҳам қатъий ният қилдим. Бу фикримни оила аъзоларимга айтдим. Бир жонбир тан бўлиб ишладик. Ҳар гектар ер 54,1 центнердан сара дон берди. Соф даромад 14 миллион 686 минг сўм бўлибди. Ҳисобчиларнинг айтишича, менинг барча кўрсаткичларим машина олиш шартларига тўғри келаркан.

Ҳа, Касбидаги пешқадам хўжалик (янги йилдан бошлаб уни тажриба хўжалиги деб аташмоқчи) деҳқонлари қатор-қатор машиналарни лотереядан ютиб олишаётгани йўқ. Ҳалол, пок ниятла қилаётган меҳнатлари эвазига бой-бадавлат яшашмоқда. Уларнинг довруғи бутун воҳага таралмоқда. Биз ҳам улардан намуна олмоқчимиз, деганлар сафи кўпаймоқда.

Хўш, шундай чўққиларни эгаллаган хўжалик яна қандай янгилик қиларкан? Ҳозир бу ерда хўжалик имкониятлари ҳисобига муҳташам ёшлар спорт мажмуи қуриляпти, 106х68 метр ҳажмида усти ёпиқ стадион, 24х12 метр саҳнли ҳовуз, кўплаб турдаги спорт ўйинлари учун мўлжалланган ўйингоҳлар катта ғайрат билан бунёд этилмоқда.

— Комплексга ажойиб дарвоза қилишни мўлжалладик, Тошкентдаги бир муассаса дарвозасидан нусха олдик, — дейди Зикриё Асроров завқ билан.

Қизиқ, олтмиш саккиз ёшга кирган бу одам шунча куч-ғайратни қаердан олаётган экан? Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Зикриё Асроров меҳнат аҳлига шароит яратиб бериш, инсон кўнглини топиш орқали нималарга эришиш мумкинлигини амалда кўрсатиб келмоқда. Миллиардер хўжаликнинг сири бор-йўғи шу!

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**



*Байрам дастурхонини ширин-шакар мевалар, сабзавоту кўкатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дастурхон тўкинлигини таъминлашда Фарғона шаҳридаги иссиқхона ишчиларининг ҳам алоҳида хизматлари бор. Айни кунларда хўжалик иссиқхоналарида парваришланаётган помидору бодринглар Янги йил дастурхонига файз киритиши шубҳасиз.*

**СУРАТДА: хўжалик ишчиси Ёрқиной Қурбонова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Энг яхши спортчилар

**Ҳар йили журналистлар ўртасида йилнинг энг яхши спортчиларини аниқлаш анъанага айланган.**

**Мамлакатимиздаги турли нашрларда фаолият юритадиган эллик нафардан зиёд спорт шарҳловчилари ўртасида ўтказилган сўровнома якунига кўра, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳақли равишда "Йилнинг энг яхши спортчиси" деб тан олинди.**

* * *

**Ўзбекистон футбол федерацияси ва спорт журналистлари ўтказган сўровномада эса миллий терма жамоамиз сардори Миржалол Қосимов "Йилнинг энг яхши футболчиси" деб эътироф этилди.**

**"Пахтакор" бош мураббийси Тачмурод Агамуродовга "Йилнинг энг яхши мураббийси" номинацияси берилди.**

**Миллий чемпионатимиз жамоалари бош мураббийлари ва инспекторлар ўртасида ўтказилган сўровномада олий лига жамоалари учрашувларини одилона бошқарган тошкентлик ФИФА ҳаками Рустам Саидов "Йилнинг энг яхши ҳаками" деб топилди.**

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

## Ислоҳот ва самара

# КАРТОШКА ИМПОРТИГА ҲОЖАТ ЙЎҚ



Картошканинг инсон организмига фойдаси ниҳоятда катта. У нондан кейин энг кўп истеъмол қилинганлиги учун "иккинчи нон" деб юритилади. Шу билан бирга, картошкачилик — сердаромад соҳа — деҳқонга катта фойда келтиради. Хусусан, республикамизнинг табиий иқлим шароитида ушбу экиннинг бир гектаридан 1 миллион сўмдан ортиқ фойда олиш мумкин. Агар мазкур экиндан бир йилда икки марта ҳосил олиш имкони борлигини ҳисобга олсак, унинг сабзавот ва полиз экинларидан устунлиги яққол кўзга ташланади.

Картошка намгарчилик ва салқин ҳавони ёқтирадиган экин бўлганлиги боис у республикамизда асосан Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида етиштирилади. Айни пайтда мамлакатимизда ҳар йили 50 минг гектар майдонга картошка экилиб, гектар ҳисобига ўртача 16,5- 17 тоннадан ҳосил олинмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг мазкур маҳсулотга бўлган бир йиллик эҳтиёжи эса 1 миллион тоннадир.

"Ўзкартошканавуруғлари" фирмаси мутахассисларининг айтишича, жорий йилда 900 минг тонна картошка тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, республикамизда ана шунча миқдорда маҳсулот етиштирилди. Баъзи илғор хўжаликларда гектаридан 20-22 тоннадан картошка олинди. Агар қишлоқ аҳолисининг томорқаларида етиштирилган картошкани ҳам ҳисобга олсак, халқимизнинг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилиши аниқ.

"Хўш, бундай натижага қандай эришилди?" деган табиий савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, бундан бир неча йил муқаддам мамлакатимизда картошка кам миқдорда етиштирилар, у асосан МДҲ республикалари ва хориждан олиб келинарди. Шуни назарда тутиб, ҳукуматимиз томонидан картошкачиликка алоҳида эътибор қаратилди. Тармоқни янада ривожлантириш мақсадида зарур миқдорда ёрдам берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 августдаги "Картошкачиликда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва республикада картошка етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, соҳадаги ишни мувофиқлаштириш ва аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини қондириш борасида барча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида "Ўзкартошка" фирмаси ташкил этилди. Янги ташкилотнинг зиммасига эса уруғлик фондини етиштиришни таъминлаш ва аҳолини ўзимизнинг маҳсулот билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Дастлаб Голландиядан келтирилган 200 га яқин навнинг юртимиз табиий-иқлим шароитига мослиги, юқори ҳосил олиш технологиялари ўрганилди. Уларнинг орасидан 8 та нав ажратиб олиниб, экиш учун тавсия этилди. Кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Айтайлик, 1991 йили республикамизда 350 минг тоннадан зиёд истеъмол картошкаси етиштирилган бўлса, олти йил ўтгач, бу кўрсаткич қарийб 692 минг тоннани ташкил қилди. Энг муҳими, етиштирилаётган маҳсулот миқдори йилдан-йилга ошиб борди.

Республикамиз деҳқонлари олдида энди четдан кам уруғлик олиб келиб, мамлакатимизнинг табиий иқлим шароитига мос навларни ўзимизда етиштириш вазифаси турарди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июндаги "Картошка уруғчилиги тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу ишга туртки бўлди. Унга асосан бу юмушларни амалга ошириш учун "Ўзкартошка" фирмаси негизида "Ўзкартошканавуруғлари" фирмаси ташкил этилди.

Тажрибали деҳқонларимиз ва мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракатлари ва изланишлари туфайли Голландиянинг "AGRIKO", "HZPC" ва Германиядаги "NORIKA" фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, иқлим шароитимизга мос "Санте", Романо", "Мондиал", "Ликария" ва "Кондор" каби навлардан уруғлик олиш имконияти яратилди. Пировардида 2001 йили четдан 7,3 минг тонна уруғлик келтирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 4,1 минг тоннага тенг бўлди.

Кейинги йилларда республикамиз олимларининг деҳқонлар билан ҳамкорлиги натижасида серҳосил, мазали ва витаминларга бой маҳаллий навлар ҳам яратилиб, улар катта майдонларга экилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. "Ақроб", "Баҳро", "Зарафшон", "Қувонч", "Тўйимли", "Умид" ва "Ҳамкор" навлари шулар жумласидандир.

Хуллас, халқимизнинг кундалик турмуши учун зарур бўлган картошкага эҳтиёжи қондирилди. Бу республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бўлиб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилганлигидан далолат беради.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Коллежларга — шинам иморатлар

*Денов қурилиш инженерлик компанияси жамоаси туман маиший хизмат касб-ҳунар коллежи учун янги иморатни қуриб битказди. Қурилишга қарийб икки миллиард сўм сарфланган 900 ўринли даргоҳда ўқув-тарбия ишларини намунали ташкил этиш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё.*

*Коллеж биносини фойдаланишга топшириш тадбирида ҳозир бўлган Деновдаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида гапирди.*

*Йил бошида вилоятда еттита коллежнинг янги иморати учун пойдевор қўйилган эди. Шулардан учтаси калити буюртмачига топширилди. Қолган объектларда сўнгги пардозлаш-ободонлаштириш ишлари давом этаётир.*

**О. УСАНОВ,**
**Халқ сўзи» мухбири.**

## Қарор ва ижро

***Жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида пластик карточкалардан фойдаланиш оддий ҳол ҳисобланади. Бундай усул қулай ва фойдали эканлиги боис, унга бўлган талаб ортиб бормоқда.***

***Бундан бир неча йил илгари республикамизда ҳам тажриба сифатида айрим тижорат банклари томонидан пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, мижозлар ва банк ходимларининг иш хақларини уларга ўтказиш жорий этилган эди. Тўлов воситасининг бундай замонавий усули ўзини тўла оқлади. Ушбу тажрибани оммалаштириш мақсадида эса Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 24 сентябрда «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни қабул қилди.***

***Мамлакатимизнинг йирик молиявий муассасаларидан бири ҳисобланган акциядорлик тижорат банки — «Ғаллабанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Абдуносир РАҲМОНОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.***

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ҚУЛАЙ ВА МАҚБУЛ

**— Абдуносир Содиқович, пластик карточкалардан фойдаланишнинг қандай қулайлик ва афзаллик томонлари бор? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.**

— Одатда пластик карточкалар икки хил, яъни шахсий ва корпоратив бўлади. Шахсий карточкалар жисмоний шахсларга мўлжалланган, корпоратив карточкалардан эса юридик шахслар, яъни ташкилот, муассаса ва компаниялар фойдаланади. Ташкилотнинг ваколатли вакили корпоратив карточкалар орқали канцелярия моллари, автотранспорт учун ёнилғи, авиачипталар сотиб олиши ва хизмат сафари харажатларини тўлаши мумкин.

Пластик карточкалардан фойдаланишда бир қатор имтиёзлар мавжуд. Масалан, молиявий операцияларни амалга оширишда, товар ва кўрсатилган хизматларга хақ тўлашда харажатлар камаяди. Энг муҳими, вақт тежалади. Шу билан бирга, унинг яна бир қулайлиги шундаки, карточкаларда чекланмаган миқдорда пул маблағи туриши мумкин ва у вақт ўтган сайин даромад бериб боради.

Ҳукуматимиз қарорига кўра, пластик карточка орқали хизмат кўрсатаётган савдо шохобчаларига ҳам имтиёзлар берилган. Мисол учун, тўловни пластик карточка билан қабул қилаётган савдо шохобчаларига харид қилинаётган товар айланмаси ялпи тушумининг солиқ ставкаси амалдагисидан 20 фоиз кам белгиланган.

Агар пластик карточка йўқолиб қолган тақдирда ҳам, бу унчалик хавфли эмас. Дарҳол бу ҳақда унинг эгаси карточкани олган банкка хабар бериши зарур. Айни чоғда ҳар бир карточка алоҳида код (пароль) билан ҳимояланган бўлиб, уни фақат карточка эгаси билганлиги сабабли, ундан бошқа одам фойдалана олмайди.

Пластик карточкани ишлатиш ниҳоятда қулай ва фойдалидир. Унинг афзаллик томонлари шундаки, карточка эгаси ёнида пул олиб юрмайди. Лекин у барча тўловларни амалга ошириши мумкин. Хусусан, савдо, умумий овқатланиш, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, уй-жойлар учун тўловлар тўлаш, авиа ва темир йўл чипталари, меҳмонхона, ўқув контракт, уяли алоқа ва алоқа бўлимларида кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилади.

**— Сиз хизмат қилаётган банкда пластик карточкаларни жорий этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Банкимизда, айтиш мумкинки, бу борада маълум тажриба тўпланган. Шу кунларда эса жамоамиз тажриба сифатида ўз ходимлари иш ҳақларини пластик карточка асосида берилишини ташкил этган бўлиб, 360 та пластик карточкага 6 та терминал ёрдамида хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, ушбу пластик карточкалар асосида Тошкент шаҳридаги йирик савдо шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда дорихоналардан ўзларига зарур товарларни олишлари, хизматлардан фойдаланишлари йўлга қўйилган.

Ҳукумат қарорига биноан, ушбу йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида келгуси йилдан бошлаб 60 минг донадан зиёд пластик карточкани муомалага чиқариб, савдо шохобчаларига 500 дан ортиқ терминаллар ўрнатиш мўлжалланмоқда.

Аввало, ана шу тўлов усулини биринчи навбатда пойтахтимиздаги мижозларимизга тавсия этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда юзга яқин савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини терминаллар билан таъминлаш жараёни амалга оширилмоқда. Кейинчалик у республикамиз бўйича оммалаштирилади. Аниқроғи, келгуси йилнинг II-III чорагидан бошлаб вилоятлардаги филиалларимизда ҳам татбиқ этилади. Ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар ходимлари иш ҳақининг маълум миқдори пластик карточкага ўтказилади. Бунда пластик карточкалар уларга бепул берилади. Зарурат туғилганда мижозларнинг хоҳишига қараб, иш хақининг карточкага ўтказилаётган миқдори ошириб борилади.

Пластик карточкани жорий этиш корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти билан ўзаро тузилган шартномага асосан амалга оширилмоқда. Пластик карточкалардан ҳамма жойда фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида республикамиздаги барча йирик банклар, савдо ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ҳамкорликда тегишли шарт-шароитлар яратилмоқда.

**— Пластик карточка жорий этилган ҳамма жойларда терминаллар ўрнатиладими? Яъни одамлар накд пул масаласида қийинчиликларга дуч келмайдими?**

— Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, республикамизнинг барча турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари имкони борича терминаллар билан таъминланади. Мижозлар, қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъий назар, улар ўз карточкалари ёрдамида исталган жойда терминал тармоқлари орқали тўловларни амалга ошириши, зарур ҳолларда банкларнинг жамғарма шохобчаларида ҳамда банкоматлардан пластик карточкаларида мавжуд накд пулларини олишлари мумкин.

Ўз навбатида, шуни таъкидлаш жоизки, пластик карточкаларга қанча миқдорда маблағ ўтказилиши ҳамда мазкур пластик карточкадан қандай тартибда фойдаланиш масаласи ҳар бир банк ва ҳар бир киши, яъни бўлажак пластик карточка эгаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

***"Ғаллабанк"нинг Матбуот маркази.*** t




***Халқимизда ўт ва сув балосидан Аллоҳнинг ўзи асрасин деган ҳикматли гап бор. Бу бекорга айтилмаган. Ўт кетган жойда ҳамма нарса ёниб кули кўкка совурилади. Сув босган жойда-чи, пешона тери билан топилган мулк нобуд бўлиб яроқсиз ҳолга келади. Шунинг учун ҳар иккисидан оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим. Бунда огоҳлик унутилса халқ хўжалиги, шунингдек фуқароларнинг кўп миқдорда зарар кўришига олиб келиши мумкин. Президентимиз ва Республика ҳукумати томонидан ёнғин хавфсизлиги масаласига катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Ёнғин хавфсизлигига қанча кўп аҳамият берсак, ўз иқтисодиётимизни шунча мустаҳкамлаган бўламиз.***

# ОЛОВ — ХАВФЛИ ЁВ

Буни яхши тушунган вилоятимиз ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг шахсий таркиби ва унинг қуйи тизими ходимлари зиммаларидаги вазифалар нақадар масъулиятли эканини тўғри ҳис этган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Улар Президентимизнинг 2001 йил 27 мартдаги тегишли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида Ёнғин хавфсизлиги тизимларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори ва шу асосда вилоят ҳокимининг фармойиши, Республика ИИВнинг буйруқ ҳамда кўрсатмалари, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин назорати тўғрисида Низом»ни ўз фаолиятлари учун дастуриламал қилиб олганлар. Улар фуқаролар ҳаёти ва мулкини, халқ хўжалигининг асосий тармоқларини ҳамда ижтимоий сиёсий вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ бўлган соҳаларни ёнғиндан муҳофаза этиш йўлида самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Бу борада вилоят ҳокими, вилоят ИИБ ва бошқармамиз томонидан белгиланган тадбирларнинг изчил бажарилиши таъминланмоқда. Жорий йилда вилоятдаги 12486 халқ хўжалиги масканидан 7062 тасининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати тўлиқ, 4012 тасининг ҳолати эса қайта, 4447 таси тезкор текшириб чиқилди. Шунингдек 302314 та якка тартибдаги ва 1209 та кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг хонадонлари, ушбу уйларнинг ертўла ва чордоқлари, уйларнинг биринчи қаватларида жойлашган омбор, дўкон, маданий-маиший масканларнинг аҳволи ҳам назардан ўтказилди. Ушбу тадбирларни амалга оширишда газлаштириш ва энергия назорати ходимларининг кўмаги катта бўлди. Халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолати ҳақида ҳокимликлар ва прокуратура идораларига 314 та ахборотнома, корхона ҳамда ташкилотларнинг юқори органларига эса 586 та тақдимномалар киритилди.

Текширишлар давомида ёнғин хавфсизлиги талабларини бузган корхона-ташкилотларнинг мутасаддилари, ишчи хизматчилар ва фуқароларнинг 7365 нафарига нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб 168669129 сўм миқдорида жарима солинди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 2801 та омбор ва иншоотнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. 12641 та носоз ҳолдаги электр агрегат ва электр жиҳозлардан фойдаланиш вақтинча тақиқлаб қўйилди.

Маълумки, ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Бошқарма томонидан бунга эътибор кучайтирилмоқда. Ходимларимиз корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида, фуқароларнинг хонадонларида тез-тез бўлиб, ёнғинларнинг зарарли оқибати ва уларнинг олдини олиш мавзусида мунтазам тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Бунда телевидение, радио ва маҳаллий матбуотдан унумли фойдаланилмоқда. Газеталарда ёнғиннинг олдини олиш мавзусида 275 та мақола ёритилгани ва радио тармоқлари орқали 2427 марта, телевидение орқали 293 марта чиқишлар қилингани бунинг ёрқин мисолидир.

Содир бўлган ёнғинлар таҳлил қилинганда уларнинг маълум қисми ёш болаларнинг шўхлиги ёки уларнинг катталар эътиборидан четда қолдирилгани оқибатида содир этилаётгани маълум бўлмоқда. Вилоятда бу ҳолатнинг олдини олиш, яъни боғча тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг онгини шакллантириш ва уларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни ўргатиш мақсадида ҳар йили «Ёнғин хавфсизлиги болалар тасаввурида» деб номланган кўрик-танлов ўтказиб келинади. Унда тадбир иштирокчилари ўзлари чизган расмларда ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабларини ўз тасаввурларида акс эттирадилар. Бу йилги кўрик-танловда олти нафар ўқувчи ғолиб деб топилди. Улар ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Танловнинг бошқа қатнашчилари ҳам эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари мобайнида вилоятдаги ҳарбийлашган ҳамда касбий ёнғин хавфсизлиги қисмларининг моддий-техника базаси сезиларли мустаҳкамланди. Ёнғин ўчириш қисмларидан учтаси замонавий тезкор автомашиналарига эга бўлди. Ходимларнинг ишлаши ва дам олиши учун қулай шароитлар яратилган. 2002 йилда Косонсой туманидаги 4-сонли касбий ёнғин ўчириш қисми ва бошқармамиз учун янги икки қаватли бинолар қурилиб, ишга туширилди. 2004 йилнинг охирги ойлари давомида водийни пойтахт билан боғловчи йўлининг «Қамчиқ» довони қисмида Президентимиз эътиборида бўлган 7-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми учун ҳам янги бино бунёд этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йўлларда хавфли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган бу қисм биносида ёнғин ўчирувчилар учун ҳамма шароитлар яратилган. Унда маърифат хонаси, ўқув зали, ётоқхона, ошхона ва автосарой мавжуд. Бино қурилиши «Ўзнефтигаз» миллий холдинг кампанияси ва Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва ундан фойдаланиш давлат акциядорлик концерни — «Ўзавтойўл» ҳомийлигида амалга оширилди. Куни-кеча эса Чортоқ туманидаги 12-сонли касбий ёнғин ўчириш қисми ҳам икки қаватли янги бинода ҳовли тўйи ўтказди. Унда қурилишда алоҳида намуна кўрсатган ходимларга эсдалик совғалари тантанали вазиятда топширилди. Қидирган имконият топади деганларидек, бу қурилишларнинг ҳаммаси ўз ҳаракатимиз билан амалга оширилди. Норин, Учқўрғон ва Мингбулоқ туманларидаги ёнғин ўчириш қисмлари учун ҳам ана шундай бинолар қуриш ҳаракатидамиз.

Ёнғин хавфсизлиги қисмларига кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликлар



ходимларимизни ўз фаоллигини янада оширишга руҳлантираяпти. Буни вилоятда ёнғин ҳодисалари йилдан йилга камайиб бораётганидан яққол билиш мумкин. Ўтган йилнинг 11 ойида вилоятда 938 та ёнғин ҳодисалари содир этилган бўлса, 2004 йилнинг ана шу даврида бу кўрсаткич 1,8 фоизга камайди. Ёнғинлар сони қишлоқ хўжалиги масканларида — 93,2, маъмурий биноларда — 4,8 ва ишлаб чиқариш корхоналарида — 14,3 фоизга камайди. Ёнғинларда инсонларнинг ҳалок бўлиш ва куйиб тан жароҳати олиш ҳолларини ҳам камайтиришга эришилди. Наманган шаҳри, Чортоқ, Уйчи ва Мингбулоқ туманларида ёнғинларда одамларнинг ҳалок бўлишига, Поп, Янгиқўрғон ва Чуст туманларида эса ёнғинларнинг ортишига йўл қўйилмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 октябрдаги Фармойишига асосан бошқа жойларда бўлгани сингари вилоятимиз миқёсида ҳам 10-ноябрдан 10 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Аҳоли турар жойлари, хўжалик ва ташкилотлар, корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш,масканларни бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш ҳамда ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, ҳодисалар сонини кескин камайтириш ойликдан кўзланган асосий мақсад эди. Тадбирни ўтказиш бўйича вилоят комиссиясининг, корхона ташкилот муассаса ва ўқув юртлари раҳбарлари ёнғин назорати ходимларининг саъйҳаракати билан кўпчилик жойларда ойликнинг муваффақиятли ўтиши таъмин этилди. Ойлик қатнашчилари тадбирга боғлиқ зарур кўрсатма ва қўлланмалар билан таништирилди. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари ва ёнғин ўчириш қисмларининг шахсий таркиби билан биргаликда ўта муҳим ва тоифаланган масканлар текшириб чиқилди. Фуқаролар ва масъул шахслар билан ёнғинларнинг олдини олиш бўйича йўриқномалар ўтказилди. Ойлик моҳиятини фуқароларга етказиш мақсадида вилоят телевидениеси ҳамда шаҳар ва туманлардаги кабель телевидениелари орқали кўрсатув ва реклама роликлари намойиш этилди. Радио тармоқлари орқали ҳам кўплаб суҳбатлар уюштирилди. Вилоят, шаҳар ва туман газеталарида юзлаб мақолалар чоп этилди. Аҳолиси гавжум жойлар ва меҳнат жамоалари фуқароларини ойликда фаол қатнашишга даъват этувчи 150 хил кўринишдаги 345850 донадан ортиқ эслатма, чақириқ ва рангли плакатлар ҳамда 854 та паннодан фойдаланилди.

Ойлик давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган ва ходимларимиз томонидан берилган кўрсатмаларини бажармаган 1511 нафар мутасадди раҳбар ва фуқарога нисбатан 2759036 сўм миқдорида маъмурий чоралар қўлланилди. Ёнғин хавфи остида бўлган 427 та омбор ва алоҳида хонадан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди. Шу каби ойликда ўтказилган текширишларда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ёнғин ўчириш воситаларини харид қилишга эътиборсизлик билан қаралаётгани аниқланган бўлса вилоят машина-трактор парклари бирлашмаси, вилоят бозорлар уюшмасида ёнғин хавфсизлигига оид плакат ва эслатмалар билан таъминланиш пайсалга солингани аниқланди. Вилоят ўрта махсус таълим бошқармасида ёнғинга қарши тадбирлар талаблар даражасида ўтказилмайди. Халқ таълими бошқармасида буйруқ ва тадбир режасини ишлаб чиқиш билан чегараланилди холос. Бошқарма биносида мавжуд ёниғинга қарши хабаргохларнинг носоз ҳолда ётганини, бузуқ ва очиқ бўлган электр разеткалари янгиланмаганини, бинонинг қаватларига ёнғин ўчиргичлар ўрнатилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Ойликда фуқароларимизнинг ёнғиндан сақланиш ва уларнинг олдини олиш ҳақида яхши тушунчаларга эга бўлишгани қувончлидир. Бу ёнғин ҳодисаларининг камайишига сезиларли таъсир кўрсатди. 2003 йилдаги тадбирга нисбатан бу йилга ойликда ёнғинлар 22 тага камайгани бунинг исботидир.

Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай бу муҳим тадбирнинг аҳамиятини тўғри тушунмаган, унинг талабларига эътиборсизлик билан қараган шахслар афсуски учради. Уларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди. Баъзи корхона ва ташкилотларда, айниқса фуқароларнинг хонадонларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик натижасида кўнгилсиз ҳодисалар юз бергани таассуфлидир. Жумладан 12 ноябрь куни Чуст туманидаги Ғова қишлоғида яшовчи Абдуғаффор Мирзатиллаевнинг хонадонида ёнғин чиқди. Уйнинг том қисмидан 50 квадрат метри ёниб зарарланди. Кичик ўғли Муҳаммадқодирнинг гугурт билан ўйнаши ёнғин чиқишига олиб келгани текширишда аниқланди. 16 ноябрь куни Учқўрғон туманидаги Кунай Ўлмас қишлоғида истиқомат қилувчи Рустам Холиқовнинг уйида газ иситиш печкасини ёқиб назоратсиз қолдириш оқибатида ёнғин содир бўлди. Уйнинг шифт ва том қисмидан 20 квадрат метри ҳамда уйрўзғор буюмлари куйиб кулга айланди. 20 ноябрда эса Наманган шаҳри, Нуробод даҳаси, Наврўз кўчасида яшовчи Иномжон Мўминов уйида ҳам электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин юз берди.

Тамаки қолдиқларини ўчирмай хонага ташлаш кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳаммага аён. 18 ноябрь куни соат 20 ларда ёнғин хавфсизлиги хизматига Наманган шаҳар «Чаманзор» даҳасидаги 2-уйнинг 7-хонадонида ёнғин чиққани ҳақида шошилинч хабар берилди. Вилоят ёнғин ўчириш штабининг 3-гуруҳ бошлиғи, майор Бахтиёр Ортиқов етакчилигида 1-сонли ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми ходимлари 2 та жанговор ёнғин ўчириш автомашинасида воқеа жойига зудлик билан етиб келдилар. Хонадон деразасидан тутун бурксиб чиқар, вақт эса ўтиб борарди. Ёнғин ўчирувчилар дарҳол хонадон эшигини синдириш йўли билан ичкарига кирдилар. Уйни қуюқ тутун босган, рўзғор буюмлари ёнарди. Ходимлар одам бўлиши мумкин деган фикр билан хоналарни текширдилар. Улар чалажон ҳолатдаги хонадон эгаси Равшан Халиловни тезлик билан ташқарига олиб чиқдилар. Жабрланувчи касалхонага ётқизилди. Юз берган ушбу ёнғинни даф этишда ва унинг эгаси ҳаётини сақлаб қолишда Наманган шаҳар ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлимининг 1-сонли ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми 3-смена бошлиғи лейтенант Г. Козоков, бўлинма сардори Ш. Набижанов, ёнғин ўчирувчилари Н. Турғунов, И. Мамажанов, А. Сайидаҳмедов ва Х. Абдураззоқовлар жасорат кўрсатдилар. Бу ҳодиса таҳлил этилганда у уй эгасининг маст ҳолда ўчирилмаган тамаки қолдиғини хонага ташлагани туфайли келиб чиққани аён бўлди. Ҳозирда хонадон эгаси касалхонада даволанмоқда.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун кураш мавсумий иш эмас. У ҳар куни, кеча-кундуз, шуғулланишни тақазо қилади. Буни ҳаммамиз чуқур ҳис этишимиз лозим. Айниқса, ҳозирги қиш-қировли кунларда ҳар биримиз, албатта, турли йўллар билан яшаб турган хонадонимизни иситишга ҳаракат қиламиз. Бунда юқоридаги каби мудҳиш ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги учун энг аввало барча турдаги иситиш печкалари, газ ва электр жиҳозларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этмоғимиз, болаларнинг ҳаракати устидан доимо огоҳ бўлишимиз керак. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг ёнғиндан асра!» шиорининг ўртага ташлангани бу давр тақазосидир. Унга ҳар биримиз сўзсиз амал қилишимиз даркор. Ана шунда юз бериш эҳтимоли бўлган ёнғинларнинг олдини олган, машаққатли меҳнат эвазига топган моддий бойлигимизни хавфли ёв-олов домига топшириб қўймаган бўламиз.

**Бойназар ДЕДАБОЕВ,**
**Наманган вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи, подполковник.**

**СУРАТЛАРДА: Қамчиқ довонидаги ёнғин хавфсизлиги ва Чортоқ туманидаги 12-касбий ёнғин ўчириш қисмлари учун қурилган янги бинолар.** t


«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ – ХОЛДИНГ»
O'ZMEVASABZAVOTUZUMSANOAT
КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ
юртдошларимизни
ЯНГИ – 2005 ЙИЛ
билан самимий қутлайди!
Сиҳат-саломатлик йили барча хонадонларга бахт-саодат, қут-барака олиб кирсин !
Юртимизда байрамлар, тўй-томошалар янада кўпайсин ва биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, ноз-неъматлар ҳамиша тантана дастурхонларини безайверсин !
Тинчлик, бахт-саодат, омад рамзи бўлган оқ кабутарлар ватанимиз осмонини асло тарк этмасин !
Янги йилингиз билан, азиз ватандошлар!

